



AGENCY FOR  
INNOVATIVE DEVELOPMENT



# ФАРГОНА ВОДИЙСИ ЧЕККА ХУДУДЛАРИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

"Бизнес инкубация ва тренинг"

АРИЗА БЕРУВЧИЛАР УЧУН  
ҚҰЛЛАНМА

Стартаплар учун биринчи очиқ танлов

Очилиш санаси: 2023 йил 20 январь

Якуний сана: 2023 йил 20 март



## МУНДАРИЖА

<b>1.1 «Фарғона водийсида чекка худудларидағи корхоналарини ривожлантириш лойиҳаси» тұғрисида .....</b>	<b>3</b>
<b>1.2 Стартаплар учун очиқ танловнинг шарҳи ва якунлари.....</b>	<b>3</b>
<b>1.3 Танлов мезонлари .....</b>	<b>4</b>
Бенефициарлар .....	4
Макбул худудлар .....	4
Тегишли соҳалар .....	5
<b>1.4 Таклифларни тайёрлаш ва топшириш .....</b>	<b>5</b>
Тили .....	6
Бир аризачи учун таклифлар сони .....	6
Ҳужжатларни топшириш тизими ва форматлари .....	6
Охирги муддати .....	7
Таклифларни юборишдан кейин нима бўлади?.....	7
<b>1.5 Баҳолаш жараёни .....</b>	<b>7</b>
Таҳлил қилиб баҳолаш.....	8
Коммуникациялар оқими .....	8
Шикоят қилиш тартиби .....	9
Стартап бўйича шартномани тайёрлаш ва имзолаш .....	9
<b>1.6 Хизматлар каталоги: техник хизматлар, молиявий қўллаб-куватлаш ва инфратузилма.....</b>	<b>9</b>
<b>1.7 График.....</b>	<b>10</b>



## 1.1 «Фарғона водийси чекка ҳудудларидағи корхоналарни ривожлантириш лойиҳаси» тұғрисида

Жаҳон банки 2019 йилда тузилған кредит битими (Жаҳон банкининг 8938-UZ-сонли кредити) асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Фарғона водийси чекка ҳудудларидағи тадбиркорлик учун мұхитни яхшилашда ёрдам күрсатади.

Умуман, Фарғона водийси чекка ҳудудларидағи корхоналарини ривожлантириш лойиҳасининг асосий мақсади корхоналар фаолиятini кенгайтириш ва иш жойларини яратишни қўллаб-қувватлаш, шу билан стартапларга ва ўзини-ўзи банд қилишга қўмаклашишдир. Бу топшириқнинг асосий вазифаси бизнес-инкубацияни ва акселерацияни таъминлашдан, ҳамда давлат идоралари учун салоҳиятни кенгайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, айни пайтда лойиҳада иштирок этувчи стартапларга бизнес-маслаҳатларни ва менторлик ёрдамини тақдим этишдан иборат.

Жаҳон банки истиқболли инновацион стартапларни жадаллаштириш, ҳар томонлама ёрдам күрсатиш ва жорий этиш учун техник ёрдам күрсатиш дастурига 3 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағларни ажратади. Бу маблағлар қуйидаги тадбирлар учун ажратиласы:

- Фарғона водийсидаги лойиҳада қўллаб-қувватланадиган секторлар, яъни қўшлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, кичик ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати/кийим-кечак ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик ёки туризм билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаларида кейинги ривожлантириш ва амалга ошириш учун, истиқболли инновацион ғояларни ва стартапларни аниқлаш;
- якуний маҳсулот ёки хизматлар бозорига мубаффақиятли чиқиши учун инновацион стартапни барча ривожланиш босқичларини жадаллаштириш;
- Фарғона водийсининг инновацион марказлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан чет элда тадқиқотларни ташкил этиш;
- Дастурда иштирок этиш учун танлаб олинган маҳаллий тадбиркорларнинг инновацион корхоналарини бошқариш ва қўламини кенгайтириш малакасини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни, хусусан, давра учрашувлари, амалий конференциялар, форумларни молиялаштириш;
- инновацион кластерларни яратиш;
- илғор технологияларни ва инновацион ечимларни жорий қилиш учун мувофиқ бўлган стартапларни қўллаб-қувватлаш;
- маҳаллий тадбиркорларга инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун керакли малака ва кўнгималар тўпламини бериш;
- Фарғона водийсининг инновацион марказларида инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш учун товарларни, жиҳозларни харид қилиш ва хизматларни сотиб олиш.

## 1.2 Стартаплар учун очиқ танловнинг шарҳи ва яқунлари

Жаҳон банкининг кредити доирасида 2022 йил июль ойида «Бизнес-инкубация ва тренинг» ни амалга ошириш учун бизнесни жадаллаштириш бўйича хизматларни тақдим этишдан иборат бўлган муайян топшириқ ишга туширилган эди. Бизнесни жадаллаштириш хизматлари стартапларни ва ўзини-ўзи банд қилишининг умумий ташабbusларини ривожлантириб, чекка ҳудудлар корхоналари фаолиятини кенгайтиришни ва иш жойларини яратишни қўллаб-қувватлайди. Ушбу топшириқ олдинга яна бир қадам қўйиб, бизнес-инкубация ва акселерацияни, шунингдек давлат идоралари учун салоҳиятни кенгайтириш чора-тадбирларини таъминлайди, айни



пайтда лойиҳада иштирок этувчи стартапларга маслаҳатларни ва менторлик ёрдамини тақдим этади.

Бу тадбирлар компанияларга бизнесни ривожлантиришдан то питчинг (инвесторларни жалб қилиш учун визуал тақдимот) гача барча соҳаларни қамраб оловучи янги тадбиркорлик кўнікмаларини ривожлантириш ва халқаро мухитда қўлланувчи илғор тажрибани ўрганиш борасида қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади. Бунинг учун, стартаплар учун иккита очиқ танлов ўтказилади, Жадаллаштириш дастури эса жами 2 та очиқ танлов орқали 100 та стартапни қўллаб-қувватлайди. Ҳар бир очиқ танлов аризачилар учун 2 ойга яқин вақт давомида очиқ бўлади. Акселерация дастури 6 ой давом этади. Бу даврда танлаб олинган стартаплар жамоалари инновацион стартап-лойиҳаларни амалга ошириш асосларини ўрганади, ўз фаразларини синовдан ўтказади, мақсадли аудиторияни ўрганади, минимал даражада яшовчан маҳсулотларни (MVP) ишлаб чиқади, биринчи сотувларини амалга ошириб, акс алоқа орқали у ҳақдаги фикрларни олади, лойиҳанинг заиф томонларини таҳлил қиласида ва уни яхшилайди.

Энг истиқболли стартаплар танлаб олинганидан кейин, стартапларни акселерация дастурида ўрин олган ва шартномани имзолаган номзодлар, Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан қўшимча ёрдамдан фойдаланиши мумкин. Танлаб олинган стартаплар Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан таклиф этилган инновацион марказларда тегишли обьектлардан фойдаланиш ҳукуқига эга бўлади. Ҳар бир танлаб олинган стартап аризани топшириши, ва ўз лойиҳасини ривожлантиришга сармоя киритиш ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази томонидан белгиланган муайян шартларни бажариш учун қўшимча кўпи билан 20 000 АҚШ долларини олиши мумкин бўлади. Ушбу қўшимча молиялаштириш танлаб олинган лойиҳалар учун активлар ва маҳсус маслаҳат хизматлари шаклида тақдим этилади. Бундай қўшимча ёрдам фақат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази билан бирламчи шартнома имзоланганидан кейин олиниши мумкин бўлади.

Биринчи очиқ танлов учун, стартаплардан 50 дан 75 гача тузилмавий аризалар топширилиши кутилмоқда. Бу аризаларнинг ичидан Акселератор дастури 50 га яқин лойиҳаларни қабул қиласида ва қўллаб-қувватлайди.

**Танлов 2023 йил 20 янаврь кунидан 2023 йил 20 март куни соат 17:00 гача (Ўзбекистон вақти билан) ариза топшириш учун очиқ бўлади.**

### 1.3 Танлов мезонлари

#### Бенефициарлар

Очиқ танловларда иштирок этиш учун қабул қилинган номзодлар — **инновацион стартаплар**, кенгайтирилиши мумкин бўлган бизнес-модели бўлган, 3 йилдан ортиқ бўлмаган компаниялар ва лойиҳалардир.

- Стартаплар техник янгиликларни жорий этишга, мавжуд бизнес-моделларни, маҳсулотларни ёки хизматларни яхшилаш ва ўзgartаришига асосланиши керак.
- Лойиҳалар ишлайтган компания ёки бизнес бўлиши шарт эмас, иштирок этиш ҳукуқига эга бўлиш учун яхши ғоя ёки прототип бўлиши етарли.

#### Мақбул ҳудудлар

Танловда фақат Фарғона водийсида (Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари) қонуний яшовчи /резидент бўлган аризачилар иштирок этиш ҳукуқига эга бўлади.



## Тегишли соҳалар

Стартаплар учун танлов муайян соҳалар учун ёпик бўлмайди, барча соҳалар бенефициар бўлиш хукуқига эга бўлади. Қўйида турли соҳаларнинг мисоллари келтирилган:

- *Кишлоқ хўжалиги*
- *Транспорт ва логистика хизматлари*
- *Туризм ва меҳмонхона хизматлари*
- *Тўқимачилик саноати ва енгил саноат*
- *Инжиниринг ва янги технологиялар*
- *Озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш ва озиқ-овқат саноати*
- *Ерни, атроф мухитни ёки табиий ресурсларни бошқариш*
- *Суғориш ва сув ресурсларини бошқариш*
- *Иқлимга чидамли ёки яшил технологиялар*

## Бошқа қоидалар

Ҳар бир аризачи қўйидагиларни тасдиқлаши лозим (агар унга нисбатан қўлланадиган бўлса):

- Тугатиш босқичида эмаслиги ёки Ўзбекистон Республикасининг Банкротлик тўғрисидаги қонунига мувофиқ начор ҳолатдаги корхона эмаслиги,
- Унинг лойиҳаси ўзининг асл ишларига асосланган, ва келажакда ҳар қандай тахмин қилинган ишланмалар учинчи шахсларнинг хукуқларидан озод бўлади, ёки улар ҳақида аниқ кўрсатилган бўлади,
- Жаҳон банкидан молиялаштиришга эга бўлиш истисно этилмайди.

## 1.4 Таклифларни тайёрлаш ва топшириш

Инновацион ривожланиш агентлиги веб-саҳифасида эълон қилишдан кейин аризалар лойиҳанинг расмий электрон почтасига ([opencall@ferghana-valley-incubator.com](mailto:opencall@ferghana-valley-incubator.com)) топширилади. Юборилиши лозим бўлган ҳужжатлар қўйидагилардир:

- **Ариза шакли:** Ариза шакли 4 та турлича ҳужжатдан иборат: **(1) Аризачи ҳақида маълумот, (2) Инновацион ғоя шакли, (3) Бизнес-режа шакли, ва (4) Жамоа шакли.** Аризачи таклифни топшириш пайтида маълум молиявий маълумотни (ўтмишдаги ва келажакдаги баҳолашлар) тақдим этиши лозим. Бу маълумотни тақдим этиш баҳолаш учун мажбурий ҳисобланади.
- **Стартап декларацияси:** стартап томонидан ёки шахслар томонидан қўйилган белги, улар ушбу ҳужжатда белгиланган шартлар билан танишиб чиқсанлигини, ва бу шартларга рози эканлигини тасдиқлайди. Ушбу декларация намунасини Аризачининг маълумоти шаклида кўриш мумкин.

Агар аризачи таклифда хатоликни аниқласа, аризаларни топшириш муддати тугамаганлиги шарти билан, аризачи таклифнинг янги версиясини юбориши мумкин. Баҳолашда фақат аризаларни топшириш муддати тугаганидан аввал олинган охирги версияси ҳисобга олинади.

Лойиҳа бўйича таклифлар лойиҳа томонидан Инновацион ривожланиш агентлиги **веб-саҳифаси орқали** тақдим этилган, уларнинг бўлимларини ва умумий узунлигини белгилаб берадиган шаблонларга қатъий равишда мос бўлиши шарт. Иштирокчиларга шаклдаги йўл-йўриқларни дикқат билан ўқиб чиқиш ва уларга риоя этиш тавсия этилади.



Ариза шаклида махсус сўралмаган ва топширилган қўшимча материаллар, таклифлар кўриб чиқилмайди. Таклифга киритилмаган маълумотлар кўриб чиқилмайди.

Таклифни муддатнинг то охирги дақиқаси етиб келгунга қадар кутиб турмаслик қатъиян тавсия этилади. Ҳар қандай сабабга қўра, шу жумладан, алоқанинг кечикиши сабабли, таклифнинг ўз вақтида келиб тушмаганлиги, автоматик равишда аризанинг рад этилишига олиб келади. Ариза юбориш тизими орқали қайд этилган электрон хатнинг олиниши вақти, яқуний муддат деб ҳисобланади.

Лойиҳа ариза берувчиларга қўллаб-қувватлашни [opencall@ferghana-valley-incubator.com](mailto:opencall@ferghana-valley-incubator.com) орқали таклиф қиласди. Танлов муддати ёпилганидан КЕЙИН олинган ариза топшириш тизими ёки танловнинг ўзи ҳақидаги сўровлар ёки саволлар, ҳам кўриб чиқилмайди, ҳам уларга жавоблар берилмайди. Қўллаб-қувватлаш гуруҳи номзодларнинг олдига очиқ танловнинг охирги муддати тугашидан аввал камида 5 кун бўлганда келади.

Бундан ташқари, ариза топшириш даврида аризачиларга ёрдам қўрсатиш учун 1 та очиқ вебинар ташкил этилади: ундаги тақдимот инновацион стартапларни танлаб олиш бўйича танлов ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади, ва очиқ танловнинг барча жиҳатларини (муддатлари, ариза топширишнинг усуслари ва ҳоказо) қамраб олади:

- Очиқ танловнинг маълумот берувчи вебинари — 2023 йил 20 феврал куни.<sup>1</sup>

### Тили

Танловнинг расмий тили ўзбек тили ҳисобланади. Бошқа ҳар қандай тилда яратилган материаллар танловда баҳоланмайди.

### Бир аризачи учун таклифлар сони

Ушбу танлов рақобат асосида эканлигини ҳисобга олиб, ҳар бир аризачидан фақат битта таклиф баҳоланади ва молиялаштириш учун қабул қилинади. Бир нечта аризалар тақдим этилган ҳолда, фақат охирги бўлиб олинган (тизимнинг вақт белгилари асосида) таклиф бизнинг баҳолаш жараёнимизга киритилади, қолган таклифлар мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Агар охирги топширилган таклиф мувофиқ эмас деб тан олинса, ёки баҳолаш чегарасига етмайдиган бўлса, ҳар қандай ҳолатда ҳам, аввалроқ топширилган таклифлар баҳолаш учун кўриб чиқилмайди.

### Ҳужжатларни топшириш тизими ва форматлари

Фақат танловнинг электрон почтаси орқали [opencall@ferghana-valley-incubator.com](mailto:opencall@ferghana-valley-incubator.com) манзилига ва очиқ танловнинг муддати давомида юборилган таклифлар, қабул қилинади. Бошқа ҳар қандай усулда топширилган таклифлар автоматик равишда рад этилади, ва баҳоланмайди.

Фақат аризанинг шаклига киритилган ҳужжатлар Баҳоловчилар томонидан кўриб чиқилади. Ҳужжатлар PDF форматида юборилган бўлиши керак.

Тақдим этилган маълумот ҳозирги вақтда амалда бўлган, ҳаққоний ва тўлиқ бўлиши керак, ва таклифни баҳолаш имконини берадиган бўлиши керак.

<sup>1</sup> ИРВ нинг эҳтиёжларигва ва афзал деб ҳисоблаганига кўра, ўзгартериш бўлиши мумкин.



## Охирги муддати

Фақат белгиланган муддатгача топширилган таклифлар қабул қилинади. Танлов ёпилганидан кейин, келиб тушган таклифларга ҳеч қандай құшымчалар ёки ўзgartиришлар күриб чиқылмайды. Ушбу танлов учун ариза топширишнинг охирги муддати – **2023 йил 20 март**.

## Таклифларни юборишдан кейин нима бўлади?

Топширишнинг охирги муддати (2023 йил 20 март) тугаганидан кейин дарҳол баҳолаш жараёни бошланади (ушбу Құлланманинг 1.5-бандида батафсил таърифланганидек). Ташқи экспертлар онлайн-тизим орқали тақдим этилган таклифларни баҳолайди, ва уларни тақдим этилган контентнинг сифатига мувофиқ тарзда, таҳлил қилиб баҳолайди. Жараённинг мақсади — энг юқори балларга эга бўлган 50 та таклифни танлаб олиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, улар инкубацион дастурда иштирок этиш учун таклиф этилади.

## 1.5 Баҳолаш жараёни

Инновацион стартапларни танлаб олиш жараёни 4 та турлича босқич орқали амалга оширилади:

**1-босқич:** Инновацион стартапларни танлаб олиш бўйича аризаларни топширишнинг аниқ муддати бўлган танловни эълон қилиш;

**2-босқич:** Танловларда иштирок этиш шартлари бўйича тушунтириш тадбирини ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш (бир танлов учун 1 вебинар);

**3-босқич:** Тақдим этилган стартап лойиҳаларни экспертлар томонидан техник, бизнес ва иқтисодий баҳолашнинг ўтказилиши:

1. **Таклифларни қабул қилиш:** Таклифлар ФАҚАТ очиқ танловнинг электрон почтаси орқали топширилади. Аризачиларнинг тўлиқ рўйхати тузилади, рўйхат улар юзасидан асосий маълумотни ўз ичига олади.
2. **Мувофиқлигини фильтрлаш:** мувофиқ бўлмаган таклифларни истисно этиш учун автоматик фильтрлаш қисқа рўйхатга киритишдан кейин келади. Мувофиқлигини текшириш қўйидагиларни текширади:
  - a. мувофиқлик мезонларига мувофиқлиги,
  - b. таклифнинг бетакрор эканлиги,
  - c. анкетанинг тўғри тўлдирилганлиги,
  - d. 1.4-бандида таърифланган бир неча иштирок этиш масалалари.
3. **Баҳоловчилар томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқ баҳолаш:** Ҳар бир таклиф турли фаолият йўналиши (техниковий, бизнес) бўлган камида 2 та масъул шахсдан иборат бўлган баҳолаш комиссияси томонидан баҳоланади. Баҳолаш мезонлари қўйидаги:
  - a) Мизжоз ва муаммо (10%). Инновацион лойиҳа ҳудуддаги долзарб ижтимоий-иқтисодий ёки бошқа турдаги муаммони ҳал этади. Ҳудудда таклиф этилаётган маҳсулотга ёки хизматга катта талаб бор.
  - b) Ечим/маҳсулот (15%). Лойиҳа муаммонинг инновацион ва бетакрор ечимиға асосланган. Сотиш учун таклиф этилган маҳсулот ёки хизмат рақобатбардош афзалликларига эга, ҳамда бозорнинг ва мақсадли аудиториясининг талабларига мувофиқ келади.



- c) **Инвестицион жозибадорлиги (15%).** Лойиха катта кенгайтириш салоҳиятига ҳамда йирик бизнесга айланиши имкониятига эга. Илмий-техникавий ва инновацион фаолиятининг натижалари маҳаллий бозорда юқори тижорат салоҳиятига ва юқори талабга эга бўлади. Лойиҳанинг молиявий қисми унинг даромадлилигини, заарсизлик нуқтасини, ўзини оқлаш муддатини, рентабеллигини ва соф жорий қийматини кўрсатади.
- d) **Жамоа (20%).** Лойиҳани бошқариш жамоаси 18 ёшдан катта бўлган, тегишли (танлов амаллари давомида тасдиқланган) тажрибага ва малакалар тўпламига эга бўлган 2-8 кишидан иборат. Жамоа лойиҳани барча босқичларда амалга оширишга ва ривожланишишга тайёрлигини намоён қилади, ва муваффақиятли бизнесни яратишга интилади. **Жамоанинг маркиби лойиҳаларни танлашда асосий белгилаб берувчи омил деб ҳисобланади.**
- e) **Узоқ муддатли режа (20%).** Лойиҳада ривожланишнинг ҳарбир босқичида, кенгайтириш жараёнида қўйилган мақсадларга эришиш лозимлиги ҳисобга олинган ҳолда, ривожланиш режаси кўрсатилади.
- f) **Аёллар жамоалари учун квота 30% гача (10%).** Аёллар раҳбарлик қилган, уларда аёллар таъсисчи бўлган лойиҳалар ёки жамоалар афзалроқ деб ҳисобланади.
- g) **Лойиҳанинг ижтимоий йўналтирилганлиги (10%).** Лойиҳа худуддаги ижтимоий шароитни яхшилаш, шу жумладан турмуш даражаси ва сифатини, таълим ва илм-фан, экология, маданият ва дам олиш сифатини оширишни кўзда тутади.

**4-боскич:** Баҳолаш босқичидан муваффақиятли ўтган лойиҳаларнинг якуний рўйхати. Инкубация дастурида иштирок этиши учун энг яхши стартапларни белгилаш. Тақдимотларда қилинган баҳолашлар асосида, уларнинг натижалари Инновацион ривожланиш агентлигига юборилади, у Вазирлар Маҳкамаси билан инкубация дастурига киритиладиган якуний стартапларни танлаш учун учрашув (йиғилиш) ўтказади.

#### Таҳлил қилиб баҳолаш

**Минимал малакавий баллари (70)** бўлган лойиҳалар инновацион стартап-loyiҳalарни ривожланишиш дастурига танлаб олинади.

Ёшлар ва аёллар учун устуворлик берилади. **Ушбу Дастур 50% миқдорида ёшлар раҳбарлик қилган стартапларни, ва 10% миқдорида аёллар раҳбарлик қилган стартапларни кўллаб-қувватлашга қаратилган.**

Атроф муҳитни муҳофаза қилишга ёки ижтимоий ҳимояга оид фаолиятга тўсқинлик қиладиган ёки унга зарар етказадиган ҳар қандай стартап-loyiҳalар Дастурда иштирок этиш учун танлаб олинмайди.

Шарҳловчилар таклифларни юқоридаги мезонларни ҳисобга олган ҳолда баҳолайди. Баҳолаш ҳақидаги маълумот Жамланган баҳолаш ҳисботига (ESR) жамланади, ба ҳисбот аризачиларга лойиҳа бўйича эксперtlар, баҳоловчилар ва Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан тасдиқланганидан кейин юборилади.

Ушбу босқичда кўпи билан 50 та таклифлар танлаб олинади, уларга шартномани имзолаш ва Жадаллаштириш дастуридан фойдаланиш таклиф этилади, қолганлар эса захира рўйхатида қолади.

#### Коммуникациялар оқими

Ҳар бир аризачи электрон почта орқали Жамланган баҳолаш ҳисботини (ESR) олади, у (i) рад этиш тўғрисидаги қарор, (ii) музокаралар учун таклиф қилиш ва кейинги



қадамларни амалга ошириш учун таклиф қилиш ҳақида, ёки (iii) захира рўйхатига киритилганилиги тўғрисида билдирувчи хатдан иборат бўлади.

Агар аризачи баҳолаш жараёнининг бирор-бир босқичида хатоликка йўл қўйилган, ёки баҳоловчилар вижданан ҳаракат қилмаган, ёки Рақобат асосидаги танловнинг қоидаларига риоя қилмаган, ва натижада унинг манфаатларига путур етказилган, деб ҳисоблайдиган бўлса, у қўйида кўрсатилган шикоят қилиш амалларидан фойдаланиши мумкин. Шикоят ўзбек тилида тузилган бўлиши ва [opencall@ferghana-valley-incubator.com](mailto:opencall@ferghana-valley-incubator.com) электрон почта манзилига юборилиши керак. Ҳар қандай топшириладиган шикоят қуидагиларни ўз ичига олиши керак: алоқа учун маълумот, шикоятнинг мазмуни, шунингдек тахминий қоидабузарликнинг маълумотлари ва исботлари.

### Шикоят қилиш тартиби

Аноним шикоятлар ёки кўрсатилган маълумотни тақдим этмаган шикоятлар қўриб чиқилмайди. Шунингдек, шикоятлар аризачиларга баҳолаш натижалари берилган пайтидан бошлаб беш (календар) куни ичida берилиши лозим. Одатда, лойиҳа гуруҳи расмий хабарнома юбориш ёки ишни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида, аризачи томонидан барча керакли маълумот берилиши шарти билан, шикоят олинган санасидан бошлаб кўпі билан йигирма кун ичida шикоятларни текшириб чиқади. Ушбу муддатдан ошиб кетган ҳолда, лойиҳа гуруҳи аризачига электрон почта орқали хабар беради.

### Стартап бўйича шартномани тайёрлаш ва имзолаш

Стартап бўйича шартнома қуидаги ҳаракатларни кўзда тутади:

- Бенефициарларнинг мақоми тўғрисида маълумот: Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази шартномани имзолаш пайтида, стартапнинг мақомини тасдиқлайдиган юридик ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Бунга мисол унинг мақоми ҳақидаги баёнот бўлиши мумкин, у шартномани имзолаган томон Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ стартап эканлиги ҳақидаги ўзининг берган баёноти ҳисобланади.
- Шартнома: стартап ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази ўртасида имзоланади. Шаблони Инновацион ривожланиш агентлигининг веб-саҳифасида олиниши мумкин.

### 1.6 Хизматлар каталоги: техник хизматлар, молиявий қўллаб-қувватлаш ва инфратузилма

Жадаллаштириш дастури компанияларга бизнесни ривожлантиришдан то питчинг (инвесторларни жалб қилиш учун визуал тақдимот) гача барча соҳаларни қамраб олевчи янги тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш ва халқаро муҳитда қўлланувчи илғор тажрибани ўрганиш борасида қўллаб-қувватлайди.

Жадаллаштириш дастурини турли соҳаларда ихтисослашган 130 дан ортиқ маҳаллий устозлар қўллаб-қувватлайди:

1. Инновацион стратегия ҳамда кичик ва ўрта бизнесни бошқариш
2. Тадбиркорлик
3. Бажарилиши мумкин бўлган бизнес-режани ишлаб чиқиш
4. Меъёрий-ҳуқуқий асоси
5. Маркетинг ва коммуникациялар



6. Ресурслардан фойдаланиш – молиялаштириш
7. Инновацияларни бошқариш ва илмий-тадқиқот лойиҳалари
8. Биргаликда ишлаш стратегиялари

Ишлаб чиқилған тренинглар Жадаллаштириш дастуридан фойдаланиш учун танлаб олинган стартапларнинг муайян әхтиёжларига мослаштирилади, ва булар энг мувофиқ бўлган бизнес-менторлар ёрдамида амалга оширилади).

Иштирокчилар тадбиркорлар томонидан ўтказиладиган мавзуй мастер-класс машғупотларига қатнашади, тегишли эксперталар (менторлар) билан учрашувларни ва маслаҳатларни амалга оширади. Ҳар бир лойиҳа учун аниқланадиган бизнес-менторлар (трекерлар), стартап ривожланишининг барча босқичларида жамоаларни кузатади ва ўз хизматларидан фойдаланиш имконини таъминлайди.

Жадаллаштириш дастури билан камида 100 та танлаб олинган стартапларни қамраб олиш режалаштирилган.

Жамоалар маблағларни бевосита қўлига олмайди, лекин лойиҳанинг бенефициарларига аниқ манзилли ёрдам кўрсатиш учун, инновацион марказларда Жадаллаштириш дастурини амалга ошириш даври учун жиҳоз-ускуналар, материаллар ва бошқа технологик воситалар билан жиҳозланган жамоавий иш майдони яратилади.

## 1.7 График

Қўйидаги жадвалда баҳолаш жараёнининг тахминий саналари келтирилган:

ТАЪРИФИ	ТАХМИНИЙ САНАЛАРИ
<b>Стартаплар учун 1-очиқ танлов</b>	
Очиқ танловнинг 1-ишга тушерилиши	2023 йил 20 январь
Ариза топширишнинг охирги муддати	2023 йил 20 март, соат 17:00 (Ўзб.в.)
Баҳолаш даври	2023 йил 21 март – 2023 йил июнь ойининг охири
Субгрант ҳақида битимни имзолаш	2023 йил июнь ойида
Жадаллаштириш дастурини амалга ошириш	2023 йил июль ойининг боши – 2023 йил декабр ойининг охири

1-жадвал. Очиқ танловнинг тахминий саналари